



MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqlidir.



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1503-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

МУНДАРИЖА

Nigora Yusupova. Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари	3
Shoislom Akmalov. Янги Ўзбекистон маърифий тақомилида илмий марказларнинг ўрни	12
Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov. “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари	19
Nematulla Nasrullayev. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари ҳақида	29
Muhabbatkhan Agzamova. “Тарих ар-Русул вал-мулк” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши	41
Nigora Khakimova. “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши	48
Bakhodir Daminov. Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили	55
Bakhodir Pirmukhamedov. Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси	65
Akhmadkhan Alimov. Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси	72
Abdulaziz Yakhshilikov. Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари	83
Ikhtiyor Abdurahmonov. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи	91
Mamurjon Erkayev. Ижара ақди билан боглик оятлар таҳлили	98
Nodir Shomirzayev. Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи	107
Ulugbek Jorayev. Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили	118
Jasurbek Abduqodirov. The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan	124
Pirnazar Rajapov. Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157)	130
Абу Мансур Мотуридий (тарихий романдан парча)	140

Nematulla H. Nasrullayev,
*International Islamic Academy of Uzbekistan,
Associate professor of IRCICA department for
History and Source Studies of Islam.*

*11, A.Kadiri str. 100011,
Tashkent, Uzbekistan.*

E-mail: nematulloh77uz@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/4

УБАЙДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУДНИНГ “ТАВЗИҲ” АСАРИ МАНБАЛАРИ ҲАҚИДА

ABOUT THE SOURCES OF THE WORK “TAWDIIH” BY UBAYDULLAH IBN MAS’UD

ОБ ИСТОЧНИКАХ ТРУДА “ТАВЗИХ” УБАЙДУЛЛАХА ИБН МАСУДА

КИРИШ

Садрушшариа Соний Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тожушшариа Умар ибн Садрушшариа ал-аввал Убайдуллоҳ ибн Махмуд Махбубий Бухорий (ваф. 747/1346) ханафий фақиҳи ва калом олимидир. У зот уламолар оиласига мансуб бўлиб, отаси ва бобосидан илм тахсил кўрган, ақлий ва нақлий илмлардан, фикҳ илми, усул қоидалари мутахассиси бўлган. Садрушшариа ва унинг барча аждодлари илму фан арбоблари сифатида кўп ҳурмат ва иззат билан яшаганлар (Насруллаев Н., 2021).

Олим ислом динига оид асарларни ёд олди. Кўпроқ аҳком ва масоил мавзуларидаги фикҳий асарларни чуқур ўзлаштирди. Кейинчалик усул ва фуруъ йўналишларида етук мутахассис сифатида танилди. У ақлий ва нақлий билимларда бетакор ҳакам эди. Ҳатто, илми хилоф, жадал, тафсир, ҳадис, мантик ва сарфу наҳв каби илмларда ҳам ўткир сўз соҳиби бўлиб етишди (Sezayi Bekdemir, 2017).

Садрушшариа ўзи мустакил асарлар тасниф этган, замонасининг етук илмларидан хабардор шахсга айланди. Уламо ва фуқаҳонинг наздида асарларининг барчаси макбул ва мўътабар, ёзган матнларига доим мурожаат этилган (Насруллаев Н., 2021).

Садрушшариянинг фикҳ, усул, калом, тилшунослик, адабиёт, фалсафа, мантик каби бир

қатор илмларда асарлари мавжуд. Мана шундай асарларидан бири усули фикҳга оид “Танқиҳ ал-усул” дир.

“Танқиҳ ал-усул” асари “ат-Танқиҳ” номи билан ҳам машҳур. Садрушшариа Баздавий (ваф. 482/1089)нинг “Усул” асарига бўлган олимларнинг кизиқишини ўрганиб, фақат уни тушуна олишларида баъзи кийинчиликлар мавжуд эканини англаб, уни тартибга солишга киришди ва бу китобни “Танқиҳ” деб номлайди.

Садрушшариа бу асарнинг таълиф этилиши сабабларини китоб муқаддимасида қуйидагича изоҳлайди: “Замонимиз етук олимларининг усули фикҳда “Фахрулислом” бўлган Паздавийнинг (Samatkhonovich G., 2021:883–887) машҳур асари ҳисобланган “Усулификҳи” текширганликларини кўрдим. Китоб анча мукамал бўлишига қарамай, услуби бўйича огир ва тушунилишига кўра қийин асар эди. Мен бу китобни тушунарли содда тилда баён этишга ҳаракат қилдим. Асарни шакллантиришда Фахриддин Розийнинг “ал-Махсул” ва Ибн Ҳожибнинг “ал-Усул” китобларидан фойдаландим”, дейди.

Қуйида мазкур асарга муаллифнинг ўзи томонидан битилган “ат-Тавзиҳ фи гавомиз ат-Танқиҳ” номли шарҳ билан танишиб чиқамиз. Унга кўра дастлаб, шарҳнинг ёзилиш сабаблари, муаллиф услуби, асарнинг бирламчи ва ёрдамчи манбалари, гоъвий мақсади ва мазмуни, шунингдек давр олимларининг асар юзасидан билдирган фикрлари хусусида сўз боради. Ушбу мақоладаги маълумотларга Сазойи Бектемирнинг Садрушшариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд илмий меросига бағишланган китоби асос бўлиб хизмат қилди (Sezayi Bekdemir, 2017).

АСОСИЙ ҚИСМ

“Тавзиҳ” усули фикҳга оид асар бўлиб, тўлиқ номи “ат-Тавзиҳ фи гавомиз ат-Танқиҳ” дир. Шарҳ илм жабаҳасида бетакор ва фойдали асарларнинг бири сифатида машҳур бўлди.

Асар мавзуси ўз давригача яратилган матнлар орасида янгича қарашларни очиб берди. Шарҳ тартиби, лафзларининг намуна бўла оладиган бир неча китобларга суяниб таълиф этилганини кўрсатди. Ўз даври ва кейин ҳам ушбу шарҳни тадқиқ этганлар орасида баъзилар бу асар ибораларга қўшимчалар битди, баъзилари изоҳ қайдларини ёзди, шунингдек, яна бошқа баъзилар уни ҳатто танқид остига олди. Бу ҳолат асарга қатор шарҳ, хошия, таълиқ ва раддия каби

Аннотация. Садрушиариа фикҳ илмини янгидан таъриф этиши, усули фикҳнинг фикҳ ва усул таркибларидан эканини таъкидлаши, фикҳнинг бирдан ортиқ мавзуларда бўлиши мумкинлигини илари суриши, ўз фикрларини усули фикҳга илова этиши, ижмони пухта билиши, ақл масаласида файласуфларнинг турт мартабали тушунчаларини усулга йўналиштириши ва ҳиссий-шаръий феъллар ўртасидаги систематик бир тўхтамни ўртага қўя олиши каби ҳусуслар, у зотининг маҳоратли ҳуқуқчи эканига далolat қилади.

Ўбайдуллоҳ ибн Масъуднинг “ат-Тавзиҳ фи ғавамиз ат-Танқиҳ” асари матни араб тилида ёзилиб, маънолари баён ва мантқиқ илмининг илозиларини очиб беради. Бу асарга ҳошия ёзган шорихларнинг аксари, “Тавзиҳ”да бир қанча ноёб ўринлар борлигини, муаллифнинг уч масалада файласуфларга муҳолифат бўлганини ифода этадилар. Садрушиариа “Тавзиҳ”да ақл, тақлиф, ҳусун-қубуҳ, қонун, идора каби бир неча фалсафий гояларни усулнинг тамал масалалари қаторида келтиради. Шу сабабли фикҳ усулининг ақлий ва нақий эканини кўрсатган “Тавзиҳ” асари, ҳуқуқ фалсафасига оид бир китоб деб ҳам эътироф этилади.

Ўтган етти асрдан зиёд вақт давомида нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун ислом оламида ақли сунна вал жамоа сифатида эътироф этилган ҳанафийлик фикҳи ва мотуридия таълимотининг ривожига ўзига ҳос ўрин тутган фақиҳ – Ўбайдуллоҳ ибн Масъуд Тоҷушиарианинг илмий мероси етарлича ўрганилмаганиги сабабларини аниқлаш ва таъқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Садрушиариа, ҳанафий, мотуридий, ақл, нақл, фақиҳ, фикҳ, усул, фуруъ, калом, “Танқиҳ”, матн, шарҳ, ҳошия, назм, “Тавзиҳ”, “Талвиҳ”, манба, ҳусун-қубуҳ, мантқиқ, фалсафа.

Abstract. The facts that Sadrushsharia redefined the science of fiqh, emphasized that usuli fiqh is one of the components of fiqh and usul, put forward that fiqh can have more than one topic, added his thoughts to usuli fiqh, thoroughly knew ijma, directed the four ranks of philosophers' concepts to usul in the matter of reason, and was able to systematically put a stop in the middle of emotional-shari'i verbs indicate that he was a skilled lawyer

The text of Ubaydullah ibn Mas'ud's work “At-Tawdih fi ghawamiz at-Tanqih” is written in Arabic, and its meanings reveal the roots of the science of bayan and logic. Most of the commentators who wrote a commentary on this work say that there are several unique places in “Tawdih” and that the author opposed the philosophers on three issues. In “Tawdih”, Sadrush Sharia mentions several philosophical ideas such as reason, suggestion, morals, law, office among the basic issues of method. For this reason, the work “Tawdih” which shows that the method of jurisprudence is intellectual and figurative, is also recognized as a book on the philosophy of law.

It is important to identify and research the reasons why the scientific heritage of Ubaydullah ibn Mas'ud Tajushsharia is not sufficiently studied. Whereas he was a jurist who played a unique role in the development of Hanafi jurisprudence and maturidiyoh, which was recognized not only in Mawarannahr, but also in the entire Islamic world as Ahl al-Sunnah wal-Jama'ah, over the past seven centuries.

Keywords: Sadrushsharia, Hanafi, Maturidi, Aql, Naql, Fiqh, Fiqh, Usul, Furu', Kalam, “Tanqih”, text, commentary, super commentary, poem, “Tawdih”, “Talviah”, source, husun-qubuh, logic, philosophy.

Аннотация. Новое определение науки фикха Садрушиариа, подчеркивает, что усуль аль-фикх является одной из составляющих фикха и усула, выдвигает, что фикх может иметь более одной темы, добавляет свои мысли к усули фикху, досконально знает иджму, руководит четырехуровневых концепций философов. Проницательность в вопросах разума и его способность делать систематические паузы между шариатских эмоциональных глаголов, систематически ставить точку посередине, указывают на то, что он был опытным юристом.

Текст работы Ўбайдуллаха ибн Масуда “Ат-Таузиҳ фи ғавамиз ат-танқиҳ” написан на арабском языке, и его смыслы раскрывают корни науки объяснения и логики. Большинство толкователей, написавших комментарий к этому произведению, отмечают, что в “Таузиҳ” есть несколько уникальных мест и что автор выступил против философов по трем вопросам. Садрушиариа в “Таузиҳ” среди основных вопросов метода упоминает несколько философских идей, таких как разум, внушение, мораль, закон, обязанность. По этой причине работа “Таузиҳ”, которая показывает, что метод юриспруденции является интеллектуальным и образным, также признана книгой по философии права.

Важно выявить и исследовать причины, по которым научное наследие шариата Ўбайдуллаха ибн Масуда Таджушиариа, сыгравшего уникальную роль в развитии ханафитской юриспруденции и ученичества, было признано общиной ахле-сунна вал не только в Мавераннахре, но и в также и во всем исламском мире, на протяжении последних семи веков, имеет большое значение.

Ключевые слова: Садрушиариа, ханафиты, матуриди, разум, повествование, фикх, основы фикха, разветвления фикха, калам, “Танқиҳ”, текст, комментарий, поля, стих, “Таузиҳ”, “Талвиҳ”, источник, ҳусун-қубуҳ, логика, философия.

бир қанча тадқиқотлар битилганини кўрсатади (Убайдуллоҳ ибн Масъуд, 2022).

Муаллиф шарҳнинг ёзилиши сабабларини муқаддимада қуйдагича қайд этади: “Танқиҳ ал-усулни ёзгандан сўнг, асардаги мушқулликларни шарҳ, шубҳали ибораларни очиш, бир қарашда тушунилиши кийин бўлган ерларини изоҳлар билан ёритишни мақсад қилдим. Мен “Танқиҳ ал-усул”ни коралар эканман, ўқувчиларим уни осон тилда ёзишмни сўрашди. Ҳатто унинг нусхалари қатор ҳудудларга тарқалиб ҳам улгурди. Бу тўғрилашлар асносида нусхаларда ёзилган ҳатолар ва чалкашликлар қўшилди. Мен ўз вазифамга метиндек чидамли бўлган ҳолда киришдим. Унга “Ат-Тавзиҳ фи ғавомиз ат-Танқиҳ” номини бердим. Мазмуннинг барча таърифлари билан биргаликда аклий далилларини таъсис этиб, чуқурлаштирилган бир тадқиқот қилдим. Аввалги мубҳам ўринларни ойдинлаштирдим ва бу шарҳни тамомлаш менга муяссар бўлди” (Садрушшариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд, 2014).

Бу асарга Тафтазоний томонидан “ат-Талвиҳ ала ат-Тавзиҳ” номли шарҳ ёзилган. Садрушшариа ҳанафий Мотуридий (Sodikov, J., 2022:1064–1067) бўлгани эътиборидан шофсий ва ашъарий олимлари эътиборига кўра танқид остига олинади. Тафтазоний айрим ўринларда ашъарий тарафдорлари ҳимоячисига айланиб, Садрушшариага ўз нуктан назаридан жавоб беришга ҳаракат қилади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам муذاккиқ бўлганлари учун улардан кейинги олимлар, бу икки китобни мароқ билан ҳавола қиладилар. Бу матн иштирокида турли шарҳлар ёзиш билан икки томоннинг иддао ва далилларини ўрганадилар. Натижа ўлароқ “ат-Тавзиҳ” ва “ат-Талвиҳ”нинг шухрати бутун ислом дунёсига тарқалиб улгурди.

МУҲОКАМА

Ҳанафий мазҳабини маҳкам тутган Садрушшариа “Тавзиҳ”ни ёзишдан аввал мазҳабдоши Баздавийнинг “ал-Усул”, шофей олими Фахриддин Розийнинг “ал-Маҳсул” ва моликий олими Ибн Ҳожибнинг “ал-Мухтасар” асарларини ўрганган. Бу асарнинг қатор манбалари мавжуд бўлиб, уларнинг номлари зикр этиб борилган. “Тавзиҳ”да номлари келган асарлар ва шахс номларига эътибор қаратилса, уларнинг Садрушшариадан илгари яшаб ўтган илм ахлларидан эканига гувоҳ бўлинади. “Ат-Тавзиҳ

фи ғавомиз ат-Танқиҳ”да бир неча китоблардан фойдаланган Садрушшариа муқаддимада уларнинг номларини ҳам келтириб ўтган:

“Усули Баздавий”. Фахрулислом Паздавий (ваф.482/1089)нинг фикҳ усулига доир “Усули Баздавий” номли асари илм ахллари орасида “Канз ал-вусул ила маърифат ал-усул” деб номланади. Баздавий ҳанафий олимларидан бўлиб, масалада мужтаҳид табакасида. Бу асар усули фикҳда маълум ва машҳур ҳисобланади. Муаллиф асарда диroyт ва ривоят асосларини белгилаб, замониюгача мавжуд тажрибаларни бир тизимга солган. Шу эътибордан бу асар, фуқаҳо методи билан ёзилган фикҳ усули манбаларининг сўнггиси ва етуклик даражасига етганидир. Баздавийдан кейин таълиф этилган фикҳ усулини тушунишга қаратилган асарлар, уни асос сифатида оладилар. Аҳсикатийнинг “ал-Мунтахаф”, Абул Баракот Насафийнинг “Манор ал-анвор” ва Садрушшарианинг “Танқиҳ ал-усул” каби асарлари мана шулар жумласидан (Абдулхай Лакнавий, 1998).

“Ал-Маҳсул”. Фахриддин Розий (606/1209), “ал-Маҳсул фи илми усул ал-фикҳ” асарида усул мавзулари билан калом ва мантиқ илми орасидаги боғлиқликка кўра мутакаллимларнинг методларига биноан таълиф этган. Розий бу асарида мутакаллимлар мактабининг ўзидан аввалги ўтган тўртта фикҳ усули олимларидан Қози Абдулжаббор (415/1025)нинг “ал-Умда”, Абул Ҳусайн Басрий (436/1044)нинг “ал-Муътамад”, Алоуддин Жувайний (478/1085)нинг “ал-Бурҳон фи усул ал-фикҳ” ва Ғаззолий (505/1111)нинг “ал-Мустасфо”ларини жамлади ва уларни мухтасар этиб, янгича таснифини амалга оширди. “Ал-Маҳсул” фикҳ усули мутакаллимлар методини намунали ҳолга келтирди. Бу билан муаллиф калом ва мантиқ илм нуфузини тизимлаштира олди. Қалам тебратган мавзуларида аввалгилар қарашларидан зиёда кўрилган далилларни киритиши, Розийнинг мутакаллим олимлардан эканидан дарак беради. Розий орқали мумотоз илмлар янги иншо услубига қадам қўйди. Калом ва мантиқ илмига ташна бўлган Розий усули фикҳда ҳам ўз насибасини топа олди (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар Розий, 1956).

Ибн Ҳожибнинг “Мухтасар ал-мунтаҳо”си, Садрушшарианинг “Танқиҳ ал-усул” ва Мулла Фанорийнинг “Фусул ал-бадое” номли асарлари услубиятига суяниб ёзилган. Манбаларда “Мухтасар ал-усул”, “ал-Мухтасар ал-кабир”,

“Мухтасар Ибни Ҳожиб”, “Мухтасар ал-мунтаҳо”, “Мунтаҳ ал-вусул вал амал фи илмиййатил усул вал жадал” ва “Кашф ал-мунтаҳаб фи усули фикҳ” каби номларда тилга олинди. Ибн Ҳожиб фикҳ усули соҳасида ҳам мантикий жиҳатдан ҳал қилувчи вазифани ўтаган. Аввалда ўтган ашъарий-моликий усулчилари орасида мантик илмини ва мантикнинг фикҳ усулига дохил этилишига қарши Ибн Ҳожиб билан биргаликда Розий мактаби янги бир йўналиш ўлароқ ўртага чиқди. “Мухтасар ал-мунтаҳо”, аслидан унинг атрофида қилинган тадқиқотлар қўпчиликини ташкил этади. Унинг матнидан бир қатор шарҳ, ҳошия, таълиқ ва таҳриж ишлари амалга оширилган. “Мухтасар ал-мунтаҳо”нинг манбаларда учрайдиган элликдан зиёд шарҳи мавжуд.

Энди “Тавзиҳ”да Садрушшариа фойдаланган баъзи манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида маълумот беришга ҳаракат қиламиз

Қуръони карим – ислом дини шаръий ҳукмларининг аслий манбасини ташкил этади. Садрушшариа Китоб мавзусини, шаръий далилларнинг аввали сифатида қўллайди. Қуръони карим фикҳ усулини, шаръий ҳукмга манба бўлиши эътиборидан боғловчи китоб дейди. Китоб ҳақида сўз кетар экан, уни Қуръони каримга берган таърифини келтириш билан бошлайди. У Китобни: “Қуръон, мушафнинг икки муқоваси орасида мутавотир ўлароқ бизга нақл этилгандир” шаклида таъриф этади (Sezayi Bekdemir, 2017).

Ҳадисга оид манбалар – Саҳиҳи Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим Жуфий Бухорий (256/870) томонидан жамланган ва Қуръони каримдан кейинги энг ишончли манба сифатида қабул қилинган. Бухорий ҳижрий учинчи асрда ҳадис илмига хизмат қилган муҳаддислар орасида энг ишончлиси ҳисобланади. Ҳадис илмида ҳеч қандай тортишувларсиз машҳурликка эришган Бухорий, мазкур асарида саҳиҳ ҳадисларни тўплай олди. Унинг тўплами мусулмонлар орасида кенг тарқалди. Илм дунёсида матнининг бошқа ҳеч бир китобга насиб бўлмаган шарҳ ва таржималарига қўл урди.

“Шарҳ ас-сунна фил ҳадис”. Ҳусайн ибн Масъуд асари. Унда машҳур ҳадис асарларидан мавзулар саралаб олинган. Охирида кам ифода-ланган сўзларга изоҳлар келтириб ўтган. Муаллиф бошқа олимлар томонидан ихтилофларга борилган фикҳий масалаларни ҳадисда адо этилган ҳукмларни қўллаб шарҳ этган. “Шарҳ

ас-сунна фил-ҳадис”, Зухайр Шавуш ва Шуъайб Арнаут томонидан феҳристлари билан ўн олти жилда Дамашқда (1390/1970–1400/1980) ва Байрутда (1403/1983) нашр этилган.

“Ат-Тавзиҳ фи гавомиз ат-Танқиҳ” асарида келтирилган усули фикҳга оид манбалар

“Усул ал-Кархий”, ханафий мазҳабини тартиб-лашга катта ҳисса қўшган, Ироқ мактаби вакилларида Абу Ҳусайн Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн Кархий (340/952)нинг усули фикҳга оид асари. “Ар-Рисола” ёки “Қавоид фи усул ал-мазҳаб” деб танилган бу асар, Дабусийнинг “Таъсис ан-назар” номли асарининг сўнгги қисмида босилган (Ahmet Ozel, 2006).

“Ал-Фусул фил усул”. Жассос деб танилган машҳур ханафий олими Абу Бакр Аҳмад ибн Али Розий (370/981)нинг усули фикҳ илмига оид асари. Имом Кархий асаридан сўнг ханафий методига кўра ва фикҳ усулига тегишли китоблар орасида қуни-мизгача етиб келган илк матн.

“Таквим ал-адилла”. Абу Зайд Дабусий (430/1039)нинг фикҳ усулига оид асари. Дабусий мазкур асарида фикҳнинг усул ва фуруъ орасидаги масалаларга қаратган. Каломга оид тортишмаларга дуч келди дегунча улардан чекин-ишга ҳаракат қилади. Асарнинг асосий мавзусини ақлий ва шаръий деб номланган икки турга ажратган. Бу китоб фикҳ усулида далил сифатида танилган ҳужжатлар тўпламидир. Дабусий фикҳ усули бўйича бир мавзунини танлаб, “ақлий ҳужжатлар” номли сарлавҳа остида фақат ақлий тақлифларнинг шарият билан боғлиқлиги масаласини баҳс этади. Ҳусусан, бу бўлимда ислом ҳуқуқининг энг қўп дуч келинадиган “ақл-вахий” масаласига доир мавзулар босқичма-босқич ёри-тиб берилади.

“Шарҳ ат-таквим”. Дабусийнинг манбаларда баён қилинган “Таквим ал-адилла” номли фикҳ усулига бағишлаб ёзилган ягона шарҳи. Асар Фаҳрул-ислом Паздавийга тегишли.

“Ал-Муътамад”. Муътазиллий каломчисини ва фикҳ олиминини бўлган Абул Ҳусайн Басрий (436/1044)нинг фикҳ усулига доир асари. Тўлиқ номи “Китоб ал-муътамад фи усул ал-фикҳ”.

“Ал-Бурҳон”. Алоуддин Жувайний (478/1085)нинг усули фикҳга доир асари. Мутакаллимлар услубига кўра ёзилган фикҳ усули китоблари орасида Имом Шофеий (Mukhamedov Nematullo, 2020:137–143) “ар-Рисола”сидан сўнг қуни-мизгача етиб келган энг қадимий матн. Асар муқад-дима ва етти бўлимдан иборат.

“Усул ас-Сарахсий”. Абу Бакр Шамсулаимма Муҳаммад Сарахсий (483/1090)нинг фикҳ усу-

лига доир асари. Мазкур асарда ханафийлик ҳукуки, асослари ва усуллари сараланган. Ўрта ва кейинги асрларда Бухоро ханафий ҳукук мактабининг дарсликларидан бири бўлган. Кейинги асрларда баъзи мусулмон давлатларининг ҳукукий амалиётида қўлланилган.

“Қавоте ал-адилла”. Шофейи мазхаби олими Абул Музаффар Мансур ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор Тамимий Марвазий Самъоний (489/1096)нинг фикҳ усулига оид асари. Усул ва усули фикҳ тушунчаларини изохлаб, “адилла шаръия” ҳақида кенг маълумот берилган. 1996 йил Байрут шаҳрида нашр этилган.

“Ал-Мустасфо мин илм ал-усул”. Фикҳнинг имло усулидан мутакаллим методига кўра таълиф этилган тўртта машҳур асарлардан бири. Матн Абу Ҳомид Ғаззолий (505/1111) томонидан таълиф этилган (Ибн Салоҳ 1992). Ғаззолий ушбу асарда фикҳ усулига оид аниқликларни айри-айри шаклда тушунтириб беради. “Ал-Мустасфо”нинг бошқа усул фикҳга оид китоблардан фарқи, унда мантик илмига оид умумлашган муқаддиманинг мавжудлигидир. Унга кўра, “мантик”ни фикҳ усулига қўшган илк шахс Ғаззолийдир” деб айтиш мумкин. Ғаззолий фикҳ усули мавзуларини тўрт ўқи атрофида тўплаган; унга кўра, ҳукм, ҳукмининг далиллари (Китоб, суннат, ижмо, ақл), ҳукм чиқариш усули (ижтиҳод) ва ҳукм чиқарган киши (муҷтаҳид)дир. “Ал-Мустасфо” асари бўйича кўп сонли шарҳ, мухтасар ва таълиқ ишлари амалга оширилган.

“Мезон ал-усул”. Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (553/1158)нинг фикҳ усулига оид асари. Фуқаҳо маслағи сифатида танилган мумтоз ханафий усули анъаналаридан фарқли бир китоб. У мутакаллим усул асарларининг таълиф кондаси, тузилиши, таркиби ва методига асосан ёзилган. Ўзининг оригиналлиги билан фикҳ усули китоби сифатида танилган. “Мезон ал-усул” Абу Мансур Мотуридийнинг қарашларига монанд ва Самарқанд ханафий-мотуридий таълимоти фикҳ-калом ёндашувларини акс эттирган матндир. Асар матнининг муфассал ва мухтасарлиги этиборидан унинг икки турли намунаси бўлиб, қуниминзгача етиб келгани мухтасар шакли ҳисобланади.

“Ал-Иҳком”. Асарнинг тўлиқ номи “ал-Иҳком фи усул ал-аҳком” бўлиб, Сайфиддин Амидий (631/1233)нинг фикҳ усулига оид асар. Мутакаллим методига кўра таълиф этилиб, классик давр фикҳ усулига қаратилган.

“Ал-Иҳком фи усул ал-аҳком” тўрт қонда асосида тартибланган. Биринчи бўлимда, фикҳ усули мавзуларини яхши англаш учун калом, тил ва усул билан боглиқ асосий ағам ва қондалар қатори шаръий ҳукмлар мавзуси баён этилади. Иккинчи бўлимда, шаръий далил, учинчи бўлимда ижтиҳод ва таклид, тўртинчи бўлимда таарруз ва таржих масалалари келтирилади (Ahmet Ozel, 2006).

“Ал-Мунтахаб”. Ханафий фақиҳи Абу Абдуллоҳ Ҳусомиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар Аҳсиқатий (644/1247)нинг фикҳ усулига оид асари. Асарнинг тўлиқ номи “ал-Мунтахаб фи усул ал-мазҳаб”дир. “Ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий” номи билан ҳам кенг танилган. Унинг матни баъзи ханафий олимлари томонидан шарҳ этилган. Асар Лахнава ва Дехли шаҳарларида биринчилардан бўлиб, қайта-қайта босилган.

“Минҳожал-вусул”. Қози Байзовий (685/1286)нинг фикҳ усулига оид асари. Тўлиқ номи “Минҳож ал-вусул ила илм ал-усул” деб номланади. Асар шофейиҳларнинг усули фикҳга доир қарашларга монанд тасниф этилган. Мутакаллим усулига кўра ёзилган асос китоблардан бири. “Минҳож ал-вусул” Байзовийнинг усул билан боглиқ бир неча асарлари орасида кенг тарқалганидир. Бу асар кўп асрлар давомида мадрасаларда фикҳ усули бўйича дарслик сифатида ўқитилиб келинмоқда. Матнга қўллаб шарҳлар ёзилган. Асар Қоҳира ва Дамашқда турли йилларда чоп этилган (Ahmet Ozel, 2006:418).

“Шарҳ ал-Минҳож”. Қози Байзовий (685/1286)нинг фикҳ усулига оид “Минҳож ал-вусул ила илм ал-усул” деб номланган асарига муаллифнинг ўзи томонидан битилган шарҳ. Асарнинг илк шарҳи “Ҳакойик ал-усул фи шарҳи минҳож ал-вусул”деб номланади.

“Ал-Мугний”. Ханафий фақиҳи Абу Муҳаммад Жалолиддин Умар ибн Муҳаммад Хўжандий Ҳаббозий (691/1292)нинг фикҳ усулига доир асари. Асарнинг қатор ёзма нусхалари сақланиб қолган. Манбаларга кўра асарга бағишлаб ўндан зиёд шарҳлар битилган. 1983 йилда Макка шаҳрида нашр этилган (Ahmet Ozel, 2006:115–116).

“Манор”. Тўлиқ номи “Манор ал-анвор” бўлиб, Абул Баракот Насафий (710/1313)нинг фикҳ усулига оид асари. Фуқаҳо услубига кўра ёзилган энг сара ханафий усул китобларидан бири бўлган Паздавийнинг “Канз ал-вусул” асарининг мухтасаридир. Асарни машҳурлик

даражасига кўтарган нарса, ундаги фикҳ усулига бағишланган маълумотларнинг илм занжирлари орқали этиб келиши билан боғлиқ. Матн асрлар давомида мадрасалар таълим тизимидан ўрин олиб, доим ўқитилиб келинмоқда. Унинг матта қатор шарҳ, хошия, ихтисор ва таржималар ёзилган (Ahmet Ozel, 2006: 123–124).

“Қашф ал-асрор”. Асарнинг тўлиқ номи “Қашф ал-асрор фи шарҳ ал-манор” бўлиб, Абул Баракот Пасафий (710/1313)нинг қаламига мансуб. Насафийнинг ўзи томонидан “ал-Манор ал-анвор”га ёзилган шарҳ (Ahmet Ozel, 2006: 124).

Ушбу ўринда Садрушшариа “ат-Тавзиҳ фи гавомиз ат-Танқиҳ” асарида эътиборга олган ва назарда тутган олимлар ҳақида маълумот бериб ўтамиз:

Исо ибн Абон. Тўлиқ исми Абу Мусо ибн Исо ибн Абон ибн Садақа (ваф. 221/836) бўлиб, Имом Мўҳаммаднинг шогирди. Ҳанафий фақиҳи бўлган Исо ибн Абон бир вақтнинг ўзида муҳаддис олим ҳамдир. Аввалига “аҳли ҳадис” мактабига мансуб бўлиб, кейинчалик “аҳли раъй” мактабига ўтиб, Имом Мўҳаммад Шайбонийнинг талабасига айланган. Исо ибн Абон ҳанафий усулининг ривожига катта хизмат қилди. У тарғиб қилган бир неча усул қоидалари, ҳанафийлик фикрларига айнан мос келган. Масалан: ҳанафийларнинг қабул қилган қиссга оид бир ҳадиснинг қабул этилиши учун соҳибининг фақиҳ бўлиши кераклигини у айтган эди. Манбаларда унинг усул ва фуруъга оид қарашлари ҳақида кўп маълумотлар учрайди. Исо ибн Абонга манбаларда қуйидаги асарлар нисбат берилади: улар жумласига “ал-Ҳужаж ас-сағир”, “ар-Рад ала Бишр ал-Мисрий ваш-Шофей фил аҳбор”, “ал-Ҳужаж ал-кабир”, “Ҳабар ал-воҳид”, “Исбат ал-қиёс”, “Ижтиҳод ар-раъй”, “Ал-Илаҳ фил-фикҳ”, “Ҳато ал-кутуб”, “ал-Мужмал вал-муфассал”, “ал-Жоме фил-фикҳ”, “ан-Наводир”, “Китоб аш-Шаҳодат” каби асарлар қиради (Ahmet Ozel, 2006: 31).

Ибн Сурайж. Тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Умар ибн Сурайж ал-Бағдодий (306/918) дир. Ибн Сурайж шофей олими ва шофейлик мазҳабини яхши билганидан унга “аш-Шофи ас-сағир” лақаби берилган. Унинг қунимизгача: “ал-Вадоиғ ли-мансус аш-шариа”, “ал-Ақсом вал-ҳисал” ва “Жузъу фиҳи ажвиба имом ал-алим Абул Аббос Аҳмад ибн Умар ибн Сурайж фи усул ад-дин” каби асарлари этиб келган (Котиб Чалабий, 2006: 583).

Наҳравоний. Тўлиқ исми Абул Фараж Муафа ибн Закариё ибн Яҳё Наҳравоний Жаририй (390/999) дир. У адабиёт ва кироат илмларида машҳур эди. Унинг бир қатор асарлари орасида фикҳ ва фикҳ усулига оид “Муафа” номли китоби ҳам манбаларда келган. Шунингдек, “Китоб ал-муршид”, “Китоб аш-шурут”, “Китоб ал-маҳодир вас-сижжитот”, “Одоб ал-қози”, “Китоб ат-таҳрир” ва “Китоб ал-хууд” номли асарлар ҳам Наҳравонийга нисбат этилади (Заҳабий, 2009: 283).

НАТИЖА

Мўҳаммад Каъбий (ваф. 604/1207). “Танқиҳ” ва “Тавзиҳ” асарларида унинг номи учрамасада, лекин Тафтазонийнинг шарҳида бу исм кўп тилга олинади. Манбаларда Садрушшариадан аввал ўтган бир қанча фикҳлар мазкур исми олган. Садрушшариа уларнинг барчаси билан таниш экани ҳақида маълумотлар учрамайди. Лекин, Каъбий деганда асли Бухоролик Мўҳаммад ибн Аҳмад (604/1207)ни назарда тутгани ҳақиқатга яқин. Зеро, бу олим катта бобоси Жамолиддин ал-Маҳбубий билан бир табақадандир. Бағдодий Каъбий асарларини ўрта эканини зикр этиб: уларнинг номини қуйидагича “Китоб ал-мулаҳхас”, “Мисбоҳ фил-фуруъ”, “Мулаҳхас фил-фуруъ” деб келтиради.

Кардарий. Замонасининг ҳанафий фуқаҳоси олимларидан бири Шамсулаимма Кардарий (642/1244)нинг асл исми Мўҳаммад ибн Абдусаттор ибн Мўҳаммад Имомдий Баротекинний Кардарийдир (Котиб Чалабий, 2006: 333). Манбаларда “Таъсис ал-қавоид” асарида Ҳусомиддин Ахсикатийнинг “ал-Мунтахаб фи усул ал-мазҳаб” номли асарига ёзган шарҳидан баҳс этилган. Кардарийнинг ҳанафий мазҳаби ва Абу Ҳанифага қартилган танқидларга жавобан ёзилган бир рисоласидан бошқа қунимизгача этиб келган асарлари аниқланмаган (Ahmet Ozel, 2006: 102–103).

Кошоний. Тўлиқ исми Камолиддин Абдураззоқ ибн Абул Ғаноим Мўҳаммад Кошоний (736/1335) дир. Тасаввуфий тафсир ва таржималарга доир асари билан танилган олим. Манбаларда фикҳ ва усули фикҳга оид асари ҳақида маълумот берилади (Котиб Чалабий, 2006: 456).

Садрушшариа “ат-Тавзиҳ фи гавомиз ат-Танқиҳ” номли шарҳида фойдаланган фикҳий манбалар ҳақида (Sezayi Bekdemir, 2017: 148–156).

“Ал-Асл”. Имом Мухаммад ибн Ҳасан Шайбоний (189/805) томонидан ёзилган. “Ал-Мабусут” номи билан ҳам машҳур (Котиб Чалабий, 2006:15; 85; 107). Имом Мухаммаднинг таниқли ва катта ҳажмли асари. Бу асар ўзидан кейинги ёзилган “Зоҳир ар-ривоя” матнларининг асоси ҳисобланади. Ҳайдаробод (1973) ва Байрутда (1990) нашр этилган. Асарнинг қатор нусхалари кунимизгача етиб келган.

“Ал-Жоме ас-сағир”. Имом Мухаммад ибн Ҳасан Шайбоний томонидан ёзилган. Унда Абу Ҳанифага оид қарашлар мужассам бўлган. Имом Мухаммад “Ал-Асл” асарини ёзиб тугатганидан кейин ушбу асарни таълиф этган. “Ал-Жоме ас-сағир”нинг Лакхнав ва Байрутда чоп этилган бир неча нашрлари мавжуд (Ahmet Ozel, 2006:25).

“Ал-Жоме ал-кабир”. Имом Мухаммад ибн Ҳасан Шайбоний томонидан ёзилган. Унда муаллиф ўз ижтиҳодлари мужассам бўлган. Имом Мухаммад мазкур китобини “ал-Жоме ас-сағир” асаридан ҳам кенгрок қилиб ёзган. Асар Ҳайдаробод ва Қохирада бир неча бор нашр этилган.

“Аз-Зиёдет”. Имом Мухаммад ибн Ҳасан Шайбоний томонидан ёзилган. “Ал-Мунтако”. Ҳанафий фақиҳи Абул Фазл Мухаммад ибн Мухаммад ибн Аҳмад Марвазий Балхӣ Ҳаким Шаҳид (334/945)нинг фикҳ илмига оид асари. Мазҳаб имоми ва шогирдларининг қарашлари жамланган ноёб китоблардан бири.

“Ал-Китоб”. Ҳанафий фикҳ олими Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Абу Бакр Мухаммад ибн Аҳмад Қудурӣ (428/1037)нинг фикҳга оид асари. Унда Қуръон қарим ва ҳадисдан олинган далилларга қамроқ ўрин берилган. Матн фақат ханфий мазҳабининг усулига қўра ёритилган. Аввал Абу Ҳанифа, кейин Абу Юсуф ва Мухаммад ибн Ҳасаннинг иттифоқи билан бўлган қарашлар келтирилган. Асардан Абу Юсуф ва Мухаммад ибн Ҳасанларнинг шахсий қузағишлари ҳам ўрин олган. Асл номи “ал-Мухтасар” бўлган бу асардан, фикҳ оламида асрлар давомида дарслик китоби сифатида фойдаланилмоқда. Асар йиллар давомида турли шаҳарларда босилиб келинмоқда (Ahmet Ozel, 2006:49).

“Ал-Асрор”. Тўлиқ номи “ал-Асрор фил фуруъ” бўлган бу асар Абу Зайд Дабусийга тегишли. Асарда масалалар далиллари билан бирга келтирилган. Услубига қўра, муқоасали фикҳ китоби намуналаридан бири. Асарнинг “Нихоҳ” қисми бўйича 1993 йили Қохирада докторлик иши олиб борилган (Ahmet Ozel, 2006:50).

“Шарҳи Таҳовӣ”. Ҳанафий фикҳ олими Абу Наср Аҳмад ибн Мансур Исбихобӣ (480/1078) нинг “Мухтасар ат-Таҳовӣ” асарига ёзилган шарҳ (Котиб Чалабий, 2006:1627). Сарахсийнинг ҳам шу номда ёзган асари мавжуд.

“Ал-Мабусут”. Тўлиқ номи “ал-Мабусут фи шарҳ ал-Кофӣ” Имом Сарахсий (483/1090)нинг ҳанафий фикҳига оид асари. Имом Мухаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ал-Мабусут” (ал-Асл) ига нисбат билан манбаларда “Шарҳ ал-мабусут” номи билан тилга олинади. Мовароуннаҳр ўлкасининг таниқли ҳанафий олимларидан бўлган Ҳаким Шаҳид (334/945), Мухаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг асарларини тўплаб, “ал-Кофӣ” номли асарини ёзган. Сарахсий ҳам қарийб 150 йилдан кейин “ал-Мухтасар ал-кофӣ”, деб номланган китобдан асос сифатида фойдаланиб, “ал-Мабусут” китобини яратди.

“Ал-Мухит”. Бурхонулислом Радиуддин Сарахсий (571/1175)нинг фуқаҳога оид асари. Ҳанафий фикҳ китоблар орасида машҳур бўлган бу асар ибн Моза (616/1219) икки жилдли “ал-Мухит ал-Бурхонӣ” китоби билан қўпинча адаштирилади (Котиб Чалабий, 2006:2001–2003). Яна айнан шу ном билан Шамсулаимма Сарахсийнинг ҳам ўн жилдлик китоби бор. Юқоридаги биз сўз юритган асар тўрт жилддан иборат китобдир.

“Ал-Ҳидоя”. Бурхониддин Маргинонӣ (593/1197)нинг ҳанафий фикҳига оид асари. Ҳанафий фикҳининг энг мўътабар матнларидан бири бўлиб, Қудурӣга оид “ал-Мухтасар” билан Имом Мухаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “ал-Жоме ас-сағир”даги мавжуд масалаларни умумлаштириб ёзилган “Бидоят ал-мубтадий” номли асарнинг шарҳидир. Бир неча бор нашр этилган. Асарга олтидан зиёд шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Уларнинг қатор ёзма нусхалари жаҳоннинг турли Шарқ фондларида сақланиб келинмоқда.

“Шарҳал-фароиз”. Ибн Аминудавла (600/1204) нинг икки жилдлик “Фароиз ас-Сижовандӣ” номидаги асар бўлса-да Садрушшариянинг назарда тутиб, зикр этган асари “Фароиз ас-Сирожия” деб танилган асардир. Ҳанафий олими Ибн Тайфур Сирожиддин Сижовандӣ (600/1204) томонидан таълиф этилган. Ушбу асарга қўп сонли шарҳлар битилган (Ahmet Ozel, 2006:100).

“Ал-Жоме ал-Ҳасирӣ”. Абул Маҳомид Жамолиддин ал-Ҳасирӣ (636/1299)нинг фикҳга оид асари. Тўлиқ номи “Тахрир фи шарҳ ал-жоме ал-кабир”. Имом Мухаммад ибн Ҳасан

Шайбонийнинг ханафий фикҳига доир асарига ёзилган саккиз жилдан иборат шарҳ.

“Ал-Вофий”. Абул Баракот Насафий (710/1310) нинг ханафий фикҳига оид асари. “Ал-Вофий” нинг манбалари орасида Имом Муҳаммадининг “ал-Жоме ас-сагир”, “ал-Жоме ал-кабир” ва “аз-Зиёдолот”, Бурҳониддин Маргинонийнинг “ал-Ҳидоя”си, Таҳовийнинг “ал-Мухтасар”, Нажмиддин Насафийнинг “ал-Манзума” ва Абу Лайс Самарқандийнинг “ан-Навозил” шунингдек, Ҳалвоний, Валвалжий ва Қозихоннинг фатво мажмуалари киради. Сигнокийнинг ҳам шу ном билан асар таълиф қилгани эътиборидан “ал-Вофий” деганда Садрушшарианинг айнан қайси бирини назарда тутганини билиб олиш мушкул (Ahmet Ozel, 2006:127).

“Ал-Кофий”. Абул Баракот Насафийнинг ханафий фикҳига мувофиқ ёзилган “ал-Вофий” номли асарнинг шарҳи. Шу номда Сигнокийнинг усули фикҳга оид асари ҳам бор. Шу эътибордан Садрушшариа, “ал-Кофий” деганда қайси бирини назарда тутгани аниқ эмас (Абдулҳай Лакнавий, 1998:208).

“Канз ад-Дақоик”. Яна Абул Баракот Насафий (710/1310)нинг ханафий фикҳига мувофиқ ёзилган “ал-Вофий” номли асарининг кенгайтирилган нусхаси (Котиб Чалабий, 2006). Ханафийликка кўра мўътабар китоблардан бири. Мовароуннаҳр ва Усмонли мадрасаларида узок йиллар ўқитилган ва ҳозиргача ўқитилиб келинади. Қудурийнинг “ал-Мухтасар” ва Тожушшарианинг “Викоят ар-ривоя” асарлари билан бирга “ал-Мутун ас-салоса”; Абдуллоҳ ибн Маҳмуд Мавселийнинг “ал-Мухтор”, Тожушшарианинг “Викоят ар-ривоя” ва Музаффариддин Ибн Саотиннинг “Маъма ал-баҳрайн”лари билан биргаликда “ал-Мутун ал-арбаа” асарлари орасида саналиб келади. Бу асарнинг илмий қиймати унинг мазҳабдаги мўътабар ва таржих этилган қарашларнинг муҷассамлигидадир.

“Ан-Ниқоя”. Тўлиқ номи “Ниҳоят ал-Кифоя”дир. Тожушшарианинг “ал-Ҳидоя” асарига ёзган шарҳи. Шарҳда муаллифнинг зикр этган далиллари батафсил изоҳланади. Ҳидоя ифода-ларининг теорик жиҳатлари очиб берилди. Асардаги мавжуд тарихий жиҳатлар ва ривоятларнинг ишончлилиги ҳамда ўзидан аввалда ўтган ҳуқуқчиларнинг қарашларига эътибор қилинди. Фақат таяниб тадқиқ этган манбалари кўп ҳолларда келтирилмайди. Ҳусомиддин Сигнокий (714/1314)нинг ҳам мана шу номдаги асари бор. Садрушшариа уларнинг ҳар иккисидан фойдаланган бўлиши мумкин.

“Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл”. Каморий (ваф.381) деб танилган. Ханафий фикҳ олимларидан. “Ал-Фавоид фил-фикҳ” номли асар муаллифи.

“Абул Фазл Кирмоний”. Тўлиқ номи Абул Фазл Рукниддин Абдулрахмон ибн Муҳаммад ибн Амрвайҳ Кирмоний (543/1149)дир. Ханафий мазҳаби фикҳ олимларининг улугларидан. Кирмонийнинг фикҳ илмига оид “Тажрид” номли асарига “Изоҳ” деб шарҳ битган. Унинг яна илм аҳлига “Шарҳ Жоме ал-кабир”, “Ишорат ал-асрор” ва “Фатаво” каби асарлари маълум (Ahmet Ozel, 2006). Садрушшариа фикҳга оид ушбу асардан мустақил фойдаланмасда, фатволари манбаларда мавжуд Зуфар ибн Ҳузайл (158/775), имом Молик (179/795) ва Ҳасан ибн Зиёд (204/819) каби олимларнинг қарашларига мурожаат этган ўринларда эслайди.

“Ал-Имом ал-Аттобий”. Тўлиқ исми Абу Наср (Абу Қосим) Зайниддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Аттобий Бухорий (586/1190)дир. Мовароуннаҳр фақиҳи ва муфассири. Фатво китоби билан шухрат қозонган. Аттобий ханафий мазҳабининг асос манбаларидан тузилган шарҳи билан машҳур. Талабалари орасида Шамсулаимма Кардарий ҳам бор. “Жавоме ал-фикҳ”, “Шарҳ аз-зиёдолот”, “Шарҳ ал-жоме ал-кабир”, “Шарҳ ал-жоме ас-сагир” ва “Тафсири ал-Қуръон” номли китоблар бу муаллифга тегишли (Котиб Чалабий, 2006).

“Қозихон” (Котиб Чалабий, 2006). Тўлиқ исми Абул Махосин Фаҳриддин Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Ўзжандий Фаргоний (592/1195)дир. Ханафий мазҳаби бўйича ёзилган мўътабар ва зарур фатво китобларидан бири. Асар манбаларда “Фатавои Қозихон”, “ал-Фатаво ал-Хониййа” ва “ал-Хониййа” номлари билан учрайди. Қозихон “масалада мужтаҳид” олимлардан ҳисобланади. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг асарларига шарҳлар ёзган. Фатавосида Абу Ҳанифа ва унинг талабалари билан биргаликда бошқа ханафий олимларининг қарашлари ва таржихларига суянган (Ahmet Ozel, 2006).

“Ат-Тавзиҳ фи гавомиз ат-Танқиҳ”да лугат, араб тили, адабиёт ва балогатга оид манбалар (Sezayi Bekdemir, 2017).

“Китоб ас-Сибавайҳ”. Араб тили грамматикасига оид қунимизгача етиб келган ноёб асарлардан бири. Абу Бишр (Абу Усмон, Абул Ҳасан, Абул Ҳусайн) Сибавайҳ Амр ибн Усмон ибн Қанбар Ҳорисий (180/796)нинг китоби. Асарда грамматик мавзулар, тилни билиш ва сўз ясаш

узуллари ўрганилган. Асарда қоидалар, араб бадавийларнинг тил хусусияти, қўллаган услублари, киёс ва таълилларга оид масалалар баён этилган (Котиб Чалабий, 2006).

“Ас-Сихоҳ”. Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий (400/1009)нинг қаламига мансуб лугат китоби. Тўлиқ номи “Тож ал-луга ва Сихоҳ ал-арабийя” бўлгани этиборидан манбаларда асосан “Сихоҳ ал-луга” ва қисқача “ас-Сихоҳ” тарзида учрайди. Эрон, Қоҳира ва бошқа қатор давлатларда бир неча бор нашр этилган.

“ал-Фоиқ”. Тўлиқ номи “ал-Фоиқ фи гариб ал-ҳадис”. Замахшарий (538/1144)нинг ҳадисларда қўлланилган нодир калималарига доир асари. Унда ҳадисларда қўлланилган сўзларнинг бир неча маъноларда келишини очиб берувчи лугат китоб. Асар Ҳайдаробод (1324/1930) ва Қоҳирада (1364/1970) чоп этилган.

“Ниҳоят ал-ижоз фи дирият ал-эъжоз”. Фахриддин Розийнинг (606/1212) балогат ва баён илмига оид асари.

“Ал-Муғриб”. Тўлиқ номи “ал-Муғриб фи тартиб ал-муъриб”. Абул Фатҳ Бурхониддин Носир ибн Абдусайд Мутаррзий Хоразмий (610/1213)нинг лугат китоби. Асарнинг аҳамиятли томони, унда ханафий фуқаҳосининг фикх китобларида қўлланилган лафзлар очиб берилган (Заҳабий, 2009).

“Ал-Мифтоҳ”. Бу ном билан манбаларда келган бир неча китоблар мавжуд. Абу Бакр Журжоний (471/1078)нинг “ал-Мифтоҳ фиссарф”, Абул Атик Яфий (552/1157)нинг “ал-Мифтоҳ фин-наҳв” ва Ибн Усфур ибн Али Мусо ан-Наҳвий (669/1270)нинг “Китоб ал-мифтоҳ” асари шулар жумласига қиради.

“Ибн Яййш”. Араб тили олими Абулбақо Муваффақуддин Яййш ибн Муҳаммад Асодий Ҳалабий (643/1245)дир. Манбаларда унинг “Шарҳ ал-муфасссал”, “Шарҳ ат-тасриф ал-мулк”, “Масоил аябоба анҳо Ибн Яййш” ва “Тафсир ул-мунтаҳо мин баён эъроб ал-Қуръон” каби асарлари тилга олинади (Котиб Чалабий, 2006).

“Ал-Вишоҳ”. Тўлиқ номи “ал-Вишоҳ фил маъони ва баён ал-Вишоҳ фи забт ал-маокид ал-мифтоҳ” (Котиб Чалабий, 2006). Садруш-шарининг асарларида тез-тез тилга олинadиган асар.

“Абу Али Форисий”. Басра мактабига мансуб наҳв олими. Тўлиқ номи Абу Али Ҳасан ибн Аҳмад ибн Абдугаффор Форисий (377/987) (Заҳабий, 2009). “Тавзиҳ” ва “Талвиҳ” матнларида “аҳлм ал-луга” номида келади. Манбаларда Абу Али Форисийнинг тил ва тил

қоидаларига тегишли ўттиздан зиёд асарлари мавжуд экани зикр этилади. “Ал-Ҳужжа фил қурра ас-сабъа”, “Шарҳ ал-Абёт ал-мушкилот ал-эъроб фиш-шеър”, “ал-Изоҳ фин-наҳв”, “ат-Такмила”, “Масъала аксом ал-хабар” ва “ал-Игфол фи мо агфалаҳ аз-зажжож мин ал-маоний” кабилар шулар қаторига қиради.

“Абдулқоҳир Журжоний”. Араб тили ва адабиёти олими. Тўлиқ исми Абу Бакр Абдулқоҳир ибн Абдулрахмон ибн Муҳаммад Журжоний (471/1078)дир. Абдулқоҳир Журжоний тил қоидаларини ўзлаштиришда устозлик мақомига етгани учун унга “Имом ан-нуҳот” (наҳвчилар имоми) номи берилган. Асарлари орасида “Асрор ал-балого”, “Далойл ал-ижоз”, “ар-Рисола аш-шафийа”, “Авомил ал-миа”, “Китоб ал-жумал”, “Китоб ал-муктасид фи шарҳ ал-изох”, “Татимма фин-наҳв”, “Китоб фит-тасриф” ва “Мухтор ал-ихтиёр фи фавойид меъёр ан-нуззор” кенг тарқалган (Заҳабий, 2009).

“Ат-Тавзиҳ фи гавомиз ат-Танқиҳ” да қўлланилган калом илмига оид манбалар (Sezayi Bekdemir, 2017).

“Шарҳ ат-таъвилот”. Алоуддин Самарқандий (552/1157)нинг имом Мотуридий (333/944) “Ат-Таъвилот” номли асари юзасидан ёзилган шарҳ.

“Наззом”. Тўлиқ номи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Саййёр ибн Ҳони Наззом (231/845)дир. Басра муътазила мактабининг каломчиларидан. Наззомийя йўналишининг асосчиси. Наззом, фикх, калом, ҳадис, тилшунослик, адабиёт ва назм илмларида моҳир бўлган. Манбаларда Наззомга кўп сонли асарлар нисбат берилади. Афсуски, хозиргача уларнинг ҳеч бири топилмаган.

“Довуд Исфаҳоний”. Зоҳирия мазҳабининг қурувчиси. Абу Сулаймон Довуд ибн Али ибн Ҳалаф Исфаҳоний (270/884)дир. Бу асар гарчи манбаларда зикр этилса-да, лекин бугунги кунгача етиб келмаган.

“Абу Али Жуббойи”. Тўлиқ номи Абу Али Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ибн Саллом ал-Жуббойи (303/916)дир. Басра муътазила улугларидан бири. Жуббойи тафсир, фикх ва калом олими ҳисобланади. “Тафсир ал-Қуръон”, “Муташобех ал-Қуръон”, “Ман юкаффар ва ман ла юкаффар”, “Накз ал-маърифат”, “Накз ал-имомат”, “ал-Усул” ва “ал-Китоб ал-латиф” каби асарлар унинг қаламига тегишли (Заҳабий, 2009).

“Абул Ҳасан Ашъарий”. Тўлиқ номи Абу Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Абу Бишр Исҳоқ ибн Салим Ашъарий Басрий (324/935)дир.

Ашъария мазхабининг асосчиси. “Маколот ал-исломийин”, “ал-Ибона ан-усул ад-диъна”, “ал-Лума фир-радд ала аҳл аз-зийг вал-бидъа”, “ал-Хос алал баҳс” ва “Рисола ила аҳл ас-сағир” каби асарлари мавжуд.

“Қози Абдужаббор”. Тўлиқ номи Абул Ҳасан Қози ал-қузо Абдужаббор ибн Аҳмад ибн Абдужаббор Ҳамадоний (415/1025)дир. Басра муътазиллийларининг таниқли каломчиларидан бири ва шофейи фақиҳи. Манбаларда Қози Абдужабборнинг ислом илмларга қўшган ҳиссаси сифатида “ал-Мугний фи абвоб ат-тавҳид вал-адл”, “Муташобҳ ал-Қуръон”, “Танзиҳ ал-Қуръон ан ал-матонин”, “Тасбит далоил ан-нубунва”, “ал-Мухтасар фи усул ад-дин ва фазл ал-эътизол”, “Табақот ал-муътазила” каби асарлари келтирилади (Заҳабий, 2009).

“Ал-Муртазо”. Тўлиқ исми Аламулхудо Абул Қосим Али ибн Ҳусайн ибн Мусо ибн Муҳаммад Алавий Шариф Муртазо (436/1044). Муртазо ақлга суянишга катта эътибор қаратиб, муътазиллийларга уйғун тушунчалар берган фақиҳ, калом ва адабиёт соҳиби бўлган (Котиб Чалабий, 2006).

“Абул Юср Паздавий”. Мотуридий каломчиси ва ханафий фақиҳи. Тўлиқ номи Садрулислом Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим Паздавий. У мотуридийликни шаклланишини сақлаган мутақаддим калом олимлари силсиласининг сўнгги вакилларида бири. Мотуридийликка оид асарларнинг бизгача етиб келишида хизматлари катта. Ҳусусан, “Усул ад-дин”, “Китоб фикҳи маърифат ал-ҳужаж аш-шариа” асарлари қунимизгача етиб келган (Заҳабий, 2009).

“Абул Муин Насафий”. Тўлиқ номи Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муътамид Насафий (508/1115)дир. Имом Мотуридийнинг сунний калом мазхабини тарғиб қилган олимлардан. “Тасират ал-адилла фи усул ад-дин”, “ат-Тамҳид”, “Баҳр ал-калом”, “Маноҳиж ул-аимма”, “Шарҳ Жоме ал-кабир” ва “Шарҳ таъвилот ал-Қуръон” асарлари муаллифи ҳисобланади.

Садрушшариа тасаввуф, фалсафа ва мантикка оид бир қатор манбалардан ҳам фойдаланган (Sezayî Bekdemir, 2017). Ушбу ўринда биз улар орасида қуйидаги уч манба билан чекланамиз:

“Китоб ан-нафе ва аш-шифо”. Ибн Сино (428/1037)нинг ҳикмат китоби. Асар “Илм ан-нафе” номи билан ҳам учрайди.

“Маориж ал-Қудс фи мадориж маърифат ан-нафе”. Имом Ғаззолийнинг фалсафага доир

асари. Садрушшариа бу асарнинг ёнида Арас-тунинг “Китоб ан-нафе” номи асарига ишора қилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Манбаларда бу ном билан бир неча асарлар учрайди. Ушбу ўринда муаллиф Имом Розийнинг ҳам “Рисолат ан-нафсия” номи асаридан фойдаланган бўлиши мумкин.

“Ал-Амод ал-Ақсо”. Абу Зайд Дабусий (430/1038)нинг тасаввуф ва ахлоқка оид асари.

“Ат-Тавзиҳ фи ғавомиз ат-Танқиҳ” асарида қўлланилган тафсир илмига оид манбалар (Sezayî Bekdemir, 2017:169–170).

“Ал-Кашф”. Араб тили олими ва муфасссири Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ас-Саълабий ан-Найсабурий (427/1035) қаламига мансуб. Асари тўлиқ ҳолатда “ал-Кашф вал баён ат-тафсир ал-Қуръон” деб номланади (Заҳабий, 2009). Тафсир фасоҳат ва тил қоидаларига монанд бўлган изохлар билан ёзилган. Лекин, ҳозиргача бу асар замонавий услубда нашр этилмаган.

“Тафсир ал-Қуръон”. Фахрулислом Паздавийнинг тафсир китоби. Манбаларда ҳар бир жузи катта ҳажмга эга бўлган мазкур китоб жами 120 жуз экани қайд этилади.

“Кашшоф”. Муътазила олимларидан “Жоруллоҳ” қуныси билан машҳур Абулқосим Замахшарий (538/1144)нинг дирият услубида ёзилган тафсири. Китоб “ал-Кашшоф ан-хақоикки жағомиз ат-танзил ва уюн ал-ақовил фи вужух ат-таъвил”дир. Замахшарий муқаддимада Қуръонни тафсир этишга киришган муфасссирдан араб тили, бағоят, бадъ ва баён илмларидан воқиф бўлиш лозимлигини айтиб ўтади. Шунингдек, ўша муфасссирининг, бошқа илмларда ҳам моҳир ва ўтқир зехн эгаси бўлиши кераклигини уқтиради (Замахшарий, 1407).

“Мафотех ал-гайб”. Фахриддин Розийнинг тафсир асари. Китоб “ат-Тафсир ал-кабир” ва “Тафсир ар-Розий” номлари билан танилган (Котиб Чалабий, 2006). Тафсирида ривоят ва дирият услубларини баробар қўллаб тасниф этган Розий, “Мафотех ал-Ғайб”ни ақл ва истидлол йўли билан Қуръон тафсирини ёзишга киришган.

“Ат-Тавзиҳ фи ғавомиз ат-Танқиҳ” асарида қиёсий мазҳабшунослик (хилофият) манбаларининг берилиши (Sezayî Bekdemir, 2017:170).

“Тарикат ал-хилоф”. Асар кўпроқ Тафтазонийнинг “Тавзиҳ” асарида тилга олинади. Бу асарнинг ханафий олимларидан Абул Фатх Муҳаммад ибн Абдулхамид ал-Умандий (ваф. 552/1157)га “Тарикат ал-хилоф байн ал-аимма”, Шофейи олимларидан Абу Али Ҳусайн ибн Муҳаммад Марвирудий (462/1069)га “Тарикат

ал-хилоф байн аш-шофея вал ханафий маа зикр ал-адилла ли-куллин минхум” тегишли экани тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шуниси аниқки, ҳар икки асарда ханафий ва шофеийлар орасидаги қарашларнинг турлича эканидан далолат беради.

“Абу Саид Бардаий”. Тўлиқ номи Абу Саид Аҳмад ибн Ҳусайн Усрушаний Бардаий (ваф.317/790)дир. Амалда ханафий бўлган Бардаий ақидада мўътазилый мазҳабида бўлган. Унинг илми хилофга оид “Масоил ал-хилоф” асари мавжуд.

“Имом Бурҳон Насафий”. У Абул Фазл Бурҳониддин Мухаммад ибн Мухаммад ибн Мухаммад Насафий Ханафий (ваф.687/1288) дир. Насафий калом, жадал ва хилоф илмларига доир асарлари билан танилган. Фикҳда ханафий бўлиши билан бирга, каломда ашъарий мазҳабига суянган. Тафтазоний “Талвих”да уни “ал-имом” дейишига кўра, Бурҳониддин Насафий фикрларига таянган. “Ал-Фусул фи илм ал-жадал”, “Миншо ан-назар”, “Даф ан-нусус ван-нукуз” ва “ат-Тарожиҳ” каби асарлар муаллифи (Абдулқодир Қурайший, 1993:1244–1246).

ХУЛОСА

Юқорида қайд этилган муаллифлардан ташқари Садрушшариа илми хилоф билан боғлиқ Таҳовий (321/933)нинг “Ихтилоф ал-уламо”, Мотуридийнинг “Китоб ал-жадал фи усул ал-фикҳ”, Қудурий (428/1036)нинг “Тажрид”, Дабусийнинг “Таъсир ан-назар” ва Шаймарий (436/1044)нинг “Масоил ал-хилоф фи усул ал-фикҳ” каби асарлардан ҳам манба сифатида фойдаланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Садрушшариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд илмга теран бўлган бир оилда таваллуд топди. Оилда илм занжирлари отадан ўғилга ўтган. Ўрни илм силсиласи насаб силсиласи кабидир. У зотнинг барча ота-боболари илмда кадр топганларидан Садрушшариа ҳам илму ирфонда камол топди. Қатор мустақил китоблари ва “Тавзиҳ” асарида мурожаат этган манбалари унинг кўпроқ ақлий ва нақлий илмларга оид барча мавзулардан хабардор эканига ишора қилади. Унинг “илм хавзаси” дейилиши Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан силсила фақиҳи экани билан боғлиқ. Илмнинг тарқалиши кескин узилган асрга тўғри келган бир даврда у бир қатор йирик ва мустиқил асарлар ёза олди. У ўз даври илмларини муҳаққик ва мудаққиклик билан қайтадан жонлантирган эди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ekrem Bugra Ekcinci. (2015). *Islam Hukuku Tarihi*. Istanbul: Ari Sanat Yayınevi.
2. Nasrullayev N. (2021). The keeping of Turkish manuscripts of Mukhtasarul Viqaya in the fund of the Abu Rayhan Beruniy center of oriental manuscripts under the Tashkent state institute of oriental studies. Tashkent: ISJ Theoretical & Applied Science.
3. Osman Keskioglu. (1984). *Fiqh Tarihi ve Islam Hukuku*. Ankara: Ayyıldız Matbaası A.S.
4. Ahmet Ozel. (2006). *Hanefi Fikh Alimleri*. Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları.
5. Sezayî Bekdemir. (2017). *Orta Asya’da Hanefîlîğın Gelisimi Sadruşşeria Ubeydullah b. Mes’ud*. Istanbul: Lord Matbaası.
6. Абдулхай Лакнавий. (1998). Ал-Фавоид ал-бахия фи тарожи ал-ханафия. // Аҳмад Заҳабий тахрири остида. Байрут: Дор ал-аркам ибн ал-аркам.
7. Абу Абдуллох Мухаммад ибн Умар ар-Розий. (1956). Муназорату Фаҳруддин ар-Розий фи биледи Мовароуннаҳр / Таҳқиқ муаллифи: Доктор Фатхуллох Халиф. Байрут: Дор ал-Машир.
8. Абу Мухаммад Абдулқодир ибн Абу ал-Вафо Мухаммад ибн Мухаммад ал-Мисрий ал-Қурайший ал-Ханафий. (1993). Ал-Жавоҳир ал-музия фи табакот ал-ханафия / Таҳқиқ муаллифи: Доктор Абдулфаттоҳ Мухаммад Халв. Ж. 2. Қохира: Мактаба Ҳажр лит-тибъот ван-нашр.
9. Ибнус Салоҳ. (1992). Табакот ал-фуқаҳо аш-шофеийя. Ж. 1–2. Байрут: (нашриёти кўрсатилмаган).
10. Насруллаев Н. (2022). Убайдуллох ибн Масъуднинг ҳаёти ва илмий маънавий мероси. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси.
11. Котиб Чалабий. (2006). Кашфу аз-зунун ан асами ал-кутуб ва-л-фунун. Байрут: Дор ихйа турос ал-аърабий.
12. Насруллаев Н. (2021). XIII аср охири XIV аср бошларида Бухоро шаҳри илмий муҳити. Часть 4. № 46(222). “Интернаука”, 59–63.
13. Ҳамидулла Аминов., Соатмурод Примов. (2017). Ханафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Тошкент: “Movaraunnahr” нашриёти.
14. Садрушшариа Убайдуллоҳ ибн Масъуд. Ат-Тавзиҳ фи халли ғамаизит Танқиҳ. Ж. 1-2. Байрут: Дорул кутуб ал-илмия. 2014.
15. Шамсиддин Мухаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. (2009). “Сияри Аъламун нубол”. Амман: Дорул афкор адду-валия.
16. Абулхасанот Мухаммад Абдулхай ибн Абдулхалим Ансорий Лакнавий. (1998). Ал-Фавоид ал-бахия фи тарожи ал-ханафия // Аҳмад Заҳабий тахрири остида. Байрут: Дор ал-Аркам ибн ал-Аркам.

17. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssci/Volume02Issue08-20>.
18. Samatkhonovich, G. S. (2021). Comments on fakhrol islam al-pazdavi's "usul". ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(12), 883-887. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=12&article=143>.
19. Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi's "Ta'wilat Ahli-s-Sunnah". ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1064-1067. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>.
14. Sadrushsharia Ubaydulloh ibn Masud. At-Tawdih fi halli ghawamizit Tanqih Vol. 1-2. Beirut: Darul kutub al-ilmiya. 2014.
15. Shamsuddin Muhammad ibn Ahmad al-Dhahabi. (2009). "Siyar A'lamin nubala". Amman: Darul Afkar Ad-duwaliya.
16. Abulhasanat Muhammad Abdulhay ibn Abdulhalim Ansari Lucknawi. (1998). al-Fawaid al-bahiyya fi tarajim al-hanafiya // edited by Ahmad Zahabi. Beirut: Darul-Arqaq ibn al-Arqaq.
17. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssci/Volume02Issue08-20>.
18. Samatkhonovich, G. S. (2021). Comments on fakhrol islam al-pazdavi's "usul". ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(12), 883-887. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=12&article=143>.
19. Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi's "Ta'wilat Ahli-s-Sunnah". ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1064-1067. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>.

REFERENCES

1. Ekrem Bugra Ekinci. (2015). Islam Hukuku Tarihi. Istanbul: Ari Sanat Yayınevi.
2. Nasrullayev N. (2021). The keeping of Turkish manuscripts of Mukhtasarul Viqaya in the fund of the Abu Rayhan Beruniy center of oriental manuscripts under the Tashkent state institute of oriental studies. Tashkent: ISJ Theoretical & Applied Science.
3. Osman Keskioglu. (1984). Fiqh Tarihi ve Islam Hukuku. Ankara: Ayyıldız Matbaası A.S.
4. Ahmet Ozel. (2006). Hanefi Fikh Alimleri. Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları.
5. Sezay Bekdemir. (2017). Orta Asya'da Hanefiliğin Gelisimi Sadrusseria Ubeydullah b. Mes'ud. Istanbul: Lord Matbaası.
6. Abdulhay Laknaviy. (1998). Al-Favoidu-l-bahiya fi tarajimi-l-hanafiya // edited by Ahmad Zahabi. Beirut: Darul-l-arqaq ibn al-arqaq.
7. Abu Abdullah Muhammad ibn Umar al-Razi. (1956). Munazaratu Fakhruddin ar-Razi fi bilada Mawarannahr / Research author: Dr. Fathullah Khalif. Beirut: Dar al-Mashriq.
8. Abu Muhammad Abdul Qadir ibn Abu al-Wafa Muhammad ibn Muhammad al-Misri al-Qurayshi al-Hanafi. (1993). Al-Jawahir al-muziya fi tabaqat al-hanafiya / Research author: Dr. Abdulfattah Muhammad. Vol. 2. Cairo: Maktaba Hajr li-t-tib'at wa-n-nashr.
9. Ibnus Salah. (1992). Tabaqatul Fuqaha ash- Shafi'iyya. Vol. 1–2. Beirut: (no publisher specified).
10. Nasrullayev N. (2022). Ubaydulloh ibn Mas'udning hayoti va ilmiy ma'naviy merosi. Tashkent: Publishing house of International Islamic Academy of Uzbekistan
11. Kaib Chalabi. (2006). Kashfu-z-zunun an asami-l-kutub wa-l-funun. Bayrut: Dar ilhya turosi-l-a'rabiy.
12. Nasrullayev Ne'matulloh Hikmatullayevich. (2021). XIII asr oxiri XIV asr boshlarida Buxoro sh ahri ilmiy muhiti. Chast 4. № 46(222). "Internauka" journal.
13. Hamidulla Aminov., Soatmurod Primov. (2017). Hanafiy fiqhi tarixi, manbalari va istilohlari. Tashkent: "Mawarannahr" publishing house.
14. Sadrushsharia Ubaydulloh ibn Masud. At-Tawdih fi halli ghawamizit Tanqih Vol. 1-2. Beirut: Darul kutub al-ilmiya. 2014.
15. Shamsuddin Muhammad ibn Ahmad al-Dhahabi. (2009). "Siyar A'lamin nubala". Amman: Darul Afkar Ad-duwaliya.
16. Abulhasanat Muhammad Abdulhay ibn Abdulhalim Ansari Lucknawi. (1998). al-Fawaid al-bahiyya fi tarajim al-hanafiya // edited by Ahmad Zahabi. Beirut: Darul-Arqaq ibn al-Arqaq.
17. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssci/Volume02Issue08-20>.
18. Samatkhonovich, G. S. (2021). Comments on fakhrol islam al-pazdavi's "usul". ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(12), 883-887. <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=11&issue=12&article=143>.
19. Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi's "Ta'wilat Ahli-s-Sunnah". ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1064-1067. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>.



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм

1/2023

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz

E-mail: info@moturidiy.uz

Наشريётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”

наشريёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

 www.maturidijournal.uz

 +998971 244-35-36

 www.moturidiy.uz

   @moturidiyuz

 info@moturidiy.uz